


ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ



145

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ  
ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ ҶАРАШЛАРИНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНЛАРИ

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ ТҮПЛАМИ

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ  
ҶАРАШЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ



МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ  
ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНЛАРИ



ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ ТҮПЛАМИ

*2020 иил 2 декабрь*

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»  
нашриёт матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2021

**УЎК: 28:821.512.133.09**

**КБК: 86.38**

**83.3(5Ўзб)**

**A 25**

Маҳмудхўжа Беҳбудий диний-маърифий қарашларининг замонавий талқинлари [Матн] : конференция тўплами / С.С. Агзамходжаев, З.М. Исломов, Н.А. Муҳамедов. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021. 272 б.

**УЎК: 28:821.512.133.09**

**КБК: 86.38**

**83.3(5Ўзб)**

***Масъул мухаррирлар:***

***Тарих фанлари доктори, профессор С.С. Агзамходжаев***

***Филология фанлари доктори, профессор З. М. Исломов***

***Тарих фанлари доктори, доцент Н. А. Муҳамедов***

***Taxrirlar ҳайъати:***

**Ш.Ёвқочев, И.Усмонов, А.Ҳасанов, Д.Максудов, И.Бекмирзаев, Н.Насруллаев,**

**Ш.Тўхтиев, А.Ғаниев, Т.Хатамов, З.Зинатуллаев, С.Сайджалолов,**

**М.Зикруллаев, Т.Қозоков, М.Жониев, Н.Мирзаев,**

**Л.Абдулкадиров, Д.Нишианова.**

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллик таваллуд санасини кенг нишонлаш борасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил 2 декабрда Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “Маҳмудхўжа Беҳбудий диний-маърифий қарашларининг замонавий талқинлари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Ушбу конференция материаллари асосида тўплам нашрга тайёрланди.

Мазкур тўпламда жадид маърифатпарварларининг илм-маърифат ва ёшлар тарбиясига доир қарашлари ва амалий фаолияти, хусусан, жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчиси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг илм-маърифат ва таълим-тарбияга оид фаолияти, жадидларнинг илм-фан, маърифат ва таълим-тарбияни янгилашга оид қарашлари ва амалий фаолияти, жадид маърифатпарварларининг илмий-маърифий, маданий ва маънавий меросини ёшларга тушунтиришнинг замонавий усул ва воситаларини ўрганишга оид янгича ёндашувлар асосида таклиф ва тавсиялар қамраб олинган мақолалар акс этган. Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тарихчи олимлар ва файласуфларининг маъruzalari ҳамда шу соҳада илмий тадқиқот олиб бораётган мустакил тадқиқотчилар, докторант, магистр ва талабаларнинг илмий-оммабон ишлари, тезислари ушбу тўпламдан ўрин олган.

Мақолалардаги маълумотлар асосли эканлигига муаллифлар жавобгардир.

**ISBN 978-9943-6722-2-2**

© «Ўзбекистон халқаро ислом академияси»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Москва: СССР халқларининг марказий нашриёти, 1926.
2. Тоҳир Қаҳхор. Ҳур Туркистон учун. Тошкент: “Чўлпон”, 1994.
3. ЎзРМА, И-461, 1-рўйхат, 1919-йигмажилд, 12-варак.
4. Заки Валиди Тўғон. Бугунги турк эли. Туркистон ва унинг янги тарихи. 2-боски. Истанбул, 1981.
5. ЎзРМА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 949-йигмажилд, 17-20-вараклар.
6. ЎзРМА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 949-йигмажилд, 17-варак.
7. ЎзРМА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 949-йигмажилд, 19-варак.
8. ЎзРМА, И-2 фонд, 1-рўйхат, 285-йигмажилд, 11-варак.
9. ЎзРМА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 949-йигмажилд, 19-20-вараклар.
10. “Ойина” (1914-1915 й). (Нашрга тайёрловчилар: Наим Норкулов, Камолиддин Раббимов). Тошкент: Академия, 2001.

\* \* \*

**АБДУЛЛАЕВА ФЕРУЗА ШАРИПОВНА,**  
*Бухоро давлат университети, Тарих ва маданий*  
*мерос факультети, Миллий гоя, маънавият асослари*  
*ва ҳуқуқ таълими кафедраси катта ўқитувчиси*

### **ЖАДИДЛАР ТАЪЛИМОТИНИНГ УМУМХАЛҚ МАЪРИФАТИНИ КЎТАРИШДА ТУТГАН ЎРНИ**

Жадидчилик ҳаракати XIX асрнинг охири XX асрнинг биринчи чорагида Марказий Осиё, Крим, Кавказ, Волга бўйи ҳудудларида шаклланган бўлиб, айнан шу ҳаракат янги замонавий мактаб, матбаа ва тараққиётнинг илфор усул ва йўлларини ёқлаб чиқди. Жадидчилик ҳаракатини шакллантиришда кўплаб миллат зиёлилалари фаол катнашган. Жадидчилик ҳаракатининг асосий мақсади жамиятни ўша даврдаги ўрта асрчилик иллатлари бўлмиш маданий қолоқлик ва мустамлака зулмидан кутилтириш, ҳалқни хурофтдан озод этиб, замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқишдан иборат эди.

#### **Жадидчилик ҳаракати ривожини уч босқичга ажратиш мумкин:**

ХIX асрнинг 80 йиллари охирида мамлакатимизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро ҳудудларида ҳаракат вужудга келиб, бу жараён I жаҳон урушигача давом этди.

И жаҳон уруши Россия империясидаги аҳволни янада мураккаб-лаштириши натижасида унинг ҳудудида сиёсий ҳаракатлар янада кучайди.

Бу даврда жадидчиликнинг ижтимоий-сиёсий ғоялари асосида сиёсий партиялар тузилди.

1917 йил октябрида Россиядаги давлат тўнтаришидан кейин Кўконда Туркистон Мухторияти тузилди, аммо орадан бир йил ўтмасдан большевиклар томонидан зўравонлик билан йўқ қилинди. Мухторият раҳбарлари ва унга хайриҳо бўлганлар эса бадарға ва қувғин қилиниб, қатағонга учради.

Ёш маърифатпарварлардан иборат бўлган ушбу ҳаракат намоёндалари таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, миллий мустақиллик ғояларини ҳаётга тадбиқ этиш каби масалаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, мана шунаканги ижтимоий-тарихий воқелик жадид тараққийпарварларининг маслаклари тақозоси билан жадид адабиётини шакллантирди. Натижада публистика, адабий танқид пайдо бўлди, роман, ҳикоя, драматургия дунёга келди. Жадидчилик адабиётининг Беҳбудий, Сиддиқий-Ажзий, Абдулла Қодирий, Хожи Муин, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода, Сидкий Ҳондаликий, Фитрат, Садриддин Айний, Тавалло, Сўфизода, Иброҳим Даврон, Хуршид, Чўлпон каби ўнлаб намоёндалари стишиб чиқди.

Жадид мактаблари ҳамма нарсадан бурун маърифат тарқатиш, шунингдек, замонавий илм-фанни сингдириш ҳақидаги фикрлар жадид маърифатпарвалари фаолиятидаги энг асосий мақсад эди. Чunksи жадидчиликнинг пойдевори, тамал тоши-усули жадид мактаби эди. 1895- 1910 йиллар орасида Туркистоннинг Тошкент, Самарканд, Кўкон каби йирик шаҳарлари ва қишлоқларида, Бухоро амирлиги ва Хива хонликларида ўнлаб “усули савия” мактаблари очилди. 1903 йиллардан бошлаб жадид матбуоти учун маҳсус дарсликлар тузила бошланди ва бу мустабид хукумат ва маҳаллий мутаассибларнинг қаршилигига қарамай “усули жадид” мактабларининг тармоғи кенгая борди [1].

Туркистон ўлкасининг жадид зиёлилари ўз ғоялари орқали маърифатни тарғиб қиласар экан, маҳаллий аҳолининг турли қатламларини қизиктириб ўз кетидан эргаштира олишга эришди. Шу орқали жадидлар жамоат онгига халқ бирдамлиги ва яқдиллиги ҳисларини уйғотиб, мустаҳкамлай олди. Жадидлар мактаблари учун дарсликлар яратишда Саидрасул Азизий 1903 йили “Устози аввал”, Мунавварқори Абдурашидхоннинг 1907 йилда “Адиби аввал”, 1912 йил Абдулла Авлонийнинг “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим” дарсликлари ўша давр учун энг мухим янгилик эди.

Ҳаракат етакчиларидан бири - Маҳмудхўжа Беҳбудийга тўхталар эканмиз, аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлис палаталарига қилган Мурожаатномасида жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар

боболаримиз меросини яна ҳам чукур ўрганишимизга тўхталиб, маърифат машъалини баланд кўтариб чиқсан аллома, буюк адиб Беҳбудийнинг 145 йиллигини кенг нишонлашга алоҳида эътибор қаратиб, Беҳбудий каби буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг илмий ва маънавий меросини чукур ўрганиш ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда, уларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида улғайтиришда муҳим омил эканлигини уқтириб ўтди [2].

Махмудхўжа Беҳбудий 1875 йилнинг 19 январида (хижрий 1291 10-зулҳижжа) Самарқанд яқинидаги Бахшитепа қишлоғида руҳоний оиласида дунёга келган.

У дастлаб Самарқанд мадрасасида, сўнгроқ Бухорода яхшигина таҳсил кўрган. Анъанавий таҳсил, сўнг эса ўз устида қунт ва сабот билан ишлаш орқали у шариатнинг юксак мақомлари – қози, муфти даражасигача кўтарилади. 1899-1900 йилларда Беҳбудий буҳоролик дўсти Хожи Бақо билан ҳаж сафарига чиқади. Беҳбудий сафар чоғида кўп ажобий ходисаларга гувоҳ бўлди. Хусусан сафарда у янги мактаб ҳакидаги қараашларини мустаҳкамлайди. Унинг ташаббуси ва ғайрати билан 1903 йилда Самарқанд атрофидаги Ҳалвойи (С. Сиддикий), Ражабамин (А. Шакурий) қишлоқларида янги мактаблар ташкил топади. Адиб ушбу мактаблар учун дарслеклар тузишга киришади. Кетма-кет унинг “Рисолаи асбоби савод” (1904), “Рисолаи жуғрофия умроний” (1905), “Рисолаи жуғрофияи Русий” (1905), “Китобат-ул атфол” (1908), “Амалиёти ислом” (1908), “Тарихи ислом” (1909) каби китоблари пайдо бўлади.

Махмудхўжа 1903-1904 йилларда Москва, Петербургга боради, 1906 йилда Қозон, Уфа, Нижний Новгородда бўлади. Булар саёҳат эмас, хизмат сафари эди. Масалан, Нижний Новгородда 1906 йилнинг 23 августида Русия мусулмонларининг турмуш ва маданияти муаммоларига бағишлиланган қурултой чақирилади.

Беҳбудий бу қурултойда Туркистонлилар гурухини бошқаради ва катта нутқ сўзлайди. Беҳбудий назарида маърифат учун биргина мактаб кифоя қилимасди. Замон ва дунё воқеалари билан танишиб бормоқ, миллат ва Ватаннинг ахволидан, кундалик ҳаётидан огоҳ бўлмоқ керак эди. Бинобарин, миллат учун шундай ойна керак эдики, унда у ўз қабоҳатини ҳам, малоҳатини ҳам кўра олсин. Мана шу эҳтиёж ва зарурат Беҳбудийни театр ва матбуот сари бошлади.

“Падаркуш” шу тариқа майдонга келди. Хуллас, 1911 йилда ёзилган “Падаркуш” драмаси 1913 йилдагина босилиб чиқади. Китоб жилдидаги “Бородино жанги ва Русиянинг французлар босқинидан халос бўлишининг

юбилей санасига бағишиланади”, деган ёзув ва унинг Тифлис цензурасининг рухсати билан чоп этилиши шуни қўрсатадики, иш осон қўчмаган. Пъеса босилиб чиққандан кейин ҳам уни саҳнага қўйиш учун яқин бир йил вақт кетди. Муаллиф бу ҳақдаги хатларга жавобан кинояомуз: “Туркистонда бекор одам йўқки, ҳалқ учун ишласа. Бекор киши йўқки, театру саҳнасига чиқиб, “масхараబозлик” қилса”, деб ёзган эди.

Махмудхўжа .Беҳбудий тил масаласига катта эътибор қаратди. Биргина унинг “Ойна” журнали маърифат ва маданият тарқатишда жуда катта хизмат қилди. Унда миллат ва унинг ҳақ-хуқуқига, тарихига тил-адабиёт масалаларига, дунё аҳволига доир қизиқарли мақолалар, баҳслар бериб борилган. Айниқса, тил масалалари муҳаррирнинг ҳамиша диққат марказида бўлган. Беҳбудий миллатнинг тараққиёти учун бир неча тил билишни шарт ҳисобларди. Масалан, журналнинг 1913 йил август, биринчи – нишона сонидаёқ, «Икки эмас, тўрт тил лозим» деган мақола билан чиқкан эди [3].

#### *У тил ўргатилиши тизимини қўйидагича тушунтиради:*

- Туркча (ўзбекча) -уй ва оила тили;
- Форсча- шеърият тили;
- Арабча- дин тили;
- Русча- иқтисодиёт ва саноатни ривожлантириш тили;

Жаҳон миқиёсига чикиш учун Европа тилларидан бири-инглиз, француз ёки немис тилини билиш лозим.

Жадидлар мусулмон болаларини янги усул бўйича ўқитишни қисқа муддатларда, интенсив дастурлар асосида ўтказар эдилар. 1895 йилда Бухорода ва Самарқандда, 1898 йил Кўқонда илк маротаба жадид мактаби очилган эди. 1907 йилга келиб деярли қисқа муддат ичida жадидлар 30 та янги усул мактабларини очишига муваффақ бўлишди.

Туркистон жадидларининг ҳалқаро алоқалари ва мулокоти ниҳоятда кенг эди. Россия, Туркия, Мисрдаги жадид ҳаракатлари дастурлари билан яқиндан таниш эдилар. Жумладан, Махмудхужа Беҳбудий газета ва журналлар орқали дунёда содир бўлаётган янгиликлар билан танишиб борган. Макка, Миср ва Истамбулга бўлган саёҳатлари унинг дунёқарашини бутунлай ўзгартириб юборган. У газета ва журналлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, маъорифни кўтаришга қаратилган мақолаларини чоп эттирган.

Жадидчилик ҳаракатининг намоёндалари ўз ғояларини ёйиш учун матбуотдан ташқари, театр санъатидан ҳам фойдаландилар. Россия империяси машҳур муаллифларининг Туркистон маҳаллий аҳолиси учун гастроль сафарлари ўюнтирилганлигига қарамасдан, маҳаллий аҳоли театр санътининг моҳиятини тушунмас ва бу спектакль ва томошаларни

күнгилочар вакт ўтказиш деб қабул қилишган. Жадидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган етакчиларидан бири Мунавварқори Абдурашидхон бу ҳақда шундай деб ёзган эди: “Барчамизга яхши маълумки, Туркистон тилларида бирор спектакль ўйналмаган, шунинг учун айрим одамлар театрга енгил кўнгил ёзиш сифатида қарайди. Аслида театрнинг мазмуни “Олиш” ёки “Буюклар мактаби” декмакдир. Театр саҳнаси барча томондан шишеланган хонага ўхшайди, унга ким кирса, ўз гўзаллиги ва хунуклигини, камчилик ва ютуқларини кўриб ибрат олади” [4].

Бухородаги жадидчилик ҳаракатига таракқийпарвар улламолардан, муфтий ва мударис Икром домла (Икромча номи билан машҳур бўлган) муҳим ўрин тутади. У якин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида саёҳатда бўлиб, “Ўйқудагиларнинг ва нодонларнинг огоҳ бўлиши” (1910) номли рисоласида Бухородаги амирлик тузумидан норозилик кайфиятларини очиқ акс эттирган. Бу рисола бухороликлар ўртасида жуда машҳур бўлган [5].

Ўзбек миллий театрни ривожида улкан ҳиссасини қўшган йирик маърифатпарварлардан яна бири Абдулла Авлонийдир. 1914 йил бошида Тошкентда Абдулла Авлоний “Туркистон” номли театрни ташкил этди. Ушбу театр жамоаси қўйган илк томоша Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш” пьесаси бўлди. “Падаркуш” спектакли озарбайжонлик режиссёр Алиасқар Асқаров саҳналаштирган эди. 1915 йил театр Туркистон ўлкаси шаҳарларида улкан муваффакиятлар билан гастроев сафарларини уюштириди. Театрларда катта ижтимоий масалаларни кўтарадиган, адолатсизлик, зулм истибодони фош қиласидиган спектакллар намойиш этилди. Жадид маърифатпарварлари ғояларида ўз ифодасини топган эски урф-одат ва анъаналар танқид остига олинар, кўп хотинлилик, ҳисоб-китоб асосидаги никоҳ, эркакларнинг аёлларга нисбатан зулми спектакль орқали маҳаллий аҳоли етказилишга ҳаракат қилинган. Шу тариқа, реалистик адабиёт жанрлари Туркистонда миллий театр шаклланишига туртки бўлди.

Жадидларнинг асосий устивор қарашлари интеллектуал уйғонишга инилишдан иборат эди. Жадидларнинг маданиятни, адабиётни ва тилни ривожлантиришга бўлган уруниши уларнинг маърифатпарвар қанотини пантуркизм ва панисломизмчи фирмалардан ажralиб чиқишига олиб келди.

Хулоса ўрнига шуни айтиш жоизки, жадид маърифатпарварлари ўз халқини зиёли ва саводли, қулликдан, саводсизликдан ва миллий ёпиқликдан озод, жаҳонҳамжамиятига омухталашган ҳолда кўришини исташган эди.

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати. –Т., “Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2010, 153-бет.
1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //“Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь.
1. <https://yuz.uz/news/mahmudxoja-behbudiy-turkiston-jadidchilik-harakatining-yolboschisi-milliy-marifat-rahnamosi>
1. Тараққиёт йўлида маърифатпарварлик <https://tarjimon.uz>
1. [www.e-tarix.uz](http://www.e-tarix.uz) XX аср бошида Туркистон

\* \* \*

**ХОШИМОВ САНЖАРБЕК СУЛТОНБЕКОВИЧ,**  
*Фарғона политехника институти  
“Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий фанлар”  
кафедраси ассистенти*

## **ЖАДИДЛАРНИНГ МАЪРИФАТПАРVARЛИК ҲАРАКАТИ ВА УЛАРНИНГ ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ТУТГАН ЎРНИ**

Жадидчилик XIX аср охири XX асрнинг биринчи чорагида туркий мусулмон ўлкаларида шаклланиб келаётган миллий буржуазия мухитида вужудга келди. Жадидчилик ўша даврдан бошлаб миллий озодлик ҳаракатининг мафқураси – Туркистон миллий мустақиллик мафқураси вазифасини бажарди.

Туркистонни ўрта асрчилик, феодал қолоқлик, хурофотлардан озод қилиш, “Усули қадим”ни инкор этган ҳолда ўлкани, халқни, миллатни замонавий, таракқий йўлга олиб чиқиш, миллий давлат бунёд этиш, конституцион парламент идора усулидаги озод ва фаровон жамият қуриш, туркий тилларга давлат тили мақомини бериш, миллий пул бирлиги ва миллий армияни тузиш Туркистон жадидларининг асосий ғоя ва мақсадлари сифатида ўргага чиқди. Бу ғоя ва мақсадлар 1917-1920 йилларда “Туркистон муҳторияти”, Бухоро ва Хоразм халқ республикалари даврида, қисқа муддатда ва қисман бўлса-да амалга оширилди. [1,57]

Тарихий тажрибанинг кўрсатишича, миллий ўзликни англашнинг ўсишига муҳим туртки бўлган ва миллий озодлик ғоясини шакллантириб, ўз фаолияти билан уни амалга оширишга уринган кучли прогрессив ҳаракат – жадидчилик бўлган. [2,35]

### **3-ШЎЬБА. ЖАДИДЛарНИНГ ИЛМ-ФАН, МАЪРИФАТ ВА ТАъЛИМ-ТАРБИЯНИ ЯНГИЛАШГА ОИД ҚАРАШЛАРИ ВА АМАЛИЙ ФАОЛИЯТИ**

**Алимова Д.А.** Махмудхўжа Беҳбудий:

“Тарих ўқимоқ керак!” ..... 145

**Мухаметшин Р. М.** Татарский вариант джадидизма:

уроки истории..... 151

**Хабутдинов А. Ю.** Джадидские институты у мусульман

Волго-Уральского региона в начале XX века ..... 165

**Котюкова Т.В.** Туркестанская повестка во всероссийском

мусульманском движении в 1917 г. ..... 170

**Хайдаров М.М.** Туркистанда XX аср бошларида ижтимоий-

сиёсий юксалиш ва унда давлатчилик ғояларининг акс этиши..... 178

**Зикруллаев М.Ф.** Махмудхўжа Беҳбудий ва

Туркистан уламоларининг диний, маънавий,

миллий қадриятларга муносабати ..... 183

**Ибрагимов С.Э.** Туркистанда жадидчилик ҳаракати ..... 189

**Расурова Н.С.** XX аср бошларида жадидлар ва

уларнинг сиёсий қарашлари ..... 195

**Жамолова Д.Ж.** Бухоро ёшларининг Туркиядаги жамияти ..... 200

**Абдуллаева Ф.Ш.** Жадидлар таълимотининг

умумхалқ маърифатини кўтаришда тутган ўрни ..... 205

**Хошимов С.С.** Жадидларнинг маърифатпарварлик ҳаракати ва

уларнинг халқ маънавиятини юксалтиришда тутган ўрни ..... 210

### **4-ШЎЬБА. ЖАДИД МАЪРИФАТПАРVARЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ, МАДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИ ЗАМОНАВИЙ ЁШЛАРГА ТУШУНТИРИШНИНГ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ**

**Раджабова Д. Н.** Туркистан жадидларининг заарли

урф-одатлар ва тўй-ҳашамлардаги исрофгарчиликка

қарши фикрлари хусусида ..... 215

**Иброҳимова X. А.** Жадидларнинг илм-фан ва таълим-тарбия

борасидаги қарашлари ва амалий фаолияти ..... 221

# **МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНЛАРИ**

## **ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ ТҮПЛАМИ**

*2020 йил 2 декабрь*

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2021

Нашр учун масъул: **И.Ашурматов**  
Бадиий мухаррир: **Ф.Собиров**  
Дизайнер-саҳифаловчи: **Л.Абдуллаев**

Нашриётнинг лицензия рақами АА № 0011. 06.05.2019 йил.  
Босмахонага 16.04.2021 йилда берилди.  
Бичими 60×84 %. Шартли б.т. 15,7. Нашр т. 16,3.  
Адади 100 нусха. Буюртма № 29.  
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.